

ҚАДИМИЙ МАҚОЛЛАР ТАСНИФИ

Саодат Қодирова

Бухоро давлат университети

Мұхаббат Одилова

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Гулханий ижодига мансуб бўлган “Зарбулмасал” асарининг тарихи ва ўтмишимиз яъни ўша даврнинг муаммолари масаллар асосида очиб берилган. Инсонлар характери ҳайвонларга мажозий тарзда кўчирилиб, улар ўртасидаги муносабат асосида ўша даврнинг мухити яққол кўринади. Асарнинг мазмуни, ғоявий йўналиши, бош сюжет йўли, таркиби, тили, услубий хусусиятлари ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилинади.

Калит сўзлар: асар, сюжет, мазмун, фикр, характер, қаҳрамон, мозий, диалог

CLASSIFICATION OF ANCIENT PROVERBS

ABSTRACT

In this article the author tried to explain the history of the great written work “Zarbulmasal” by Gulkhaniy and also gave facts about how Gulkhaniy described and revealed the life problems of that period-the period of our past with the help of parables. The characters and manners of people were metaphorically transferred to animals and on the basis of the relationship between people the atmosphere of that time was obviously shown and revealed. The readers of this book can get certain information about the content of the written work, its ideological tendency, the way of the main plot, the composition, the language, the stylistic distinction of it and the work can give an unforgettable impression on people.

Keywords: work (written work), plot (subject), content (meaning), idea, character (manner), hero, moral story, dialogue

Муҳаммадшариф Гулханийнинг адабий-тарихий хизматлари бекиёс. У ўзбек халқ мақолларининг ўзи яшаган даврдаги ҳолатини аниқ қайд қиласади. Бу қайдлар етук фольклоршунос олимнинг кузатув ва қайдларидан фарқ қилмайди. Муҳими, адиб ҳар бир мақолнинг “яшаш жойи” билан бирга кўрсатади: унинг қўлланиш манзили, вақти, мақсади ва вазифаларини ҳам кўп ҳолларда кўрсатиб ўтади. Агар Гулханийнинг Кўқон адабий мухитида камол топгани, XVIII асрнинг сўнгги чораги ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшагани тахмин қилинса, бошқа маълумотларнинг ниҳоятда озлигини эътроф этишга тўғри келади.

Шунга қарамай, у ўзбек адабиёти тарихида ўзидан сезиларли из – жиддий адабий мерос қолдирди. Мана шу мероснинг ўзи унинг адабиёт тарихи учун

беназир ёдгорлик қолдирганини, бу ёдгорликнинг ўзбек насли тарихи учун, умумўзбек адабиётининг тарихий равнақи учун ҳам муҳим ва беназир манба эканини тасдиқлаб туради.

Гулханий ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган, яъники у ҳар икки тилни ҳам мукаммал даражада билган. Унинг мазкур билими мақолларни тўплаш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳам ўзини кўрсатиб туради.

Гулханий қўллаган мақолларнинг маърифий, адабий, эстетик аҳамияти жуда катта. Имий адбиётларда бу борада анча жиддий ва салмоқли гаплар айтилган [3;96.]. Алоҳида таъкидлаш жоизки, уларнинг илмий аҳамияти ҳам жуда катта. Хусусан, фолькоршунослик учун уларнинг ўз давридаги ҳолати ва қўлланиш соҳаси, айрим мақолларнинг версия ва вариантлари ҳақида ҳам бой тасаввурлар уйфота олади. Айни мана шу жиҳатлари уларнинг матншунослик ва манбашунослик учун ҳам катта аҳамият касб этишига олиб келган. Мулоҳазаларимизни айрим мисоллар ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қиласиз.

Китобнинг бошланишидаёқ ўзига хос мақолларга дуч келамиз:

1. “Ошуқғон қиз эрга борса, ёрчимас ва тешик мунчоқ ерда қолмас” [1;10-б.].
2. “Пўлат пичоқ қинсиз қолмас” [1;10-б.].
3. “Бош омон бўлса, бўрк топилур” [1;10-б.].
4. “Эрмон ёғочининг эгилгани – сингани,

Эр йигитнинг уялгани – ўлгани [1;10-б.].

Ушбу мақоллар Гулханий яшаган замонда айни мана шу шаклларда қўлланган. Уларн ҳозирга мақолларимиз билан қиёслайдиган бўлсак, кўплаб янги хуласаларга эга бўламиз.

Тасаввурнинг аниқроқ бўлиши учун уларни жадвал тарикасида келтирамиз:

Гулханийда:	Ҳозирги ўзбек тилида:
Ошуқғон қиз эрга борса, ёрчимас ва тешик мунчоқ ерда қолмас. [1;10-б]	Шошган қиз эрга ёлчимас. Тешикмунчоқ ерда қолмас.
Пўлат пичоқ қинсиз қолмас. [1;10-б.]	Пичоқ қинсиз қолмайди.
Бош омон бўлса, бўрк топилур. [1;10-б.]	Бош омон бўлса, дўппи топилади.
Кўр тутганини қўймас ва кар эшитганини қўймас. [1;10-б.]	Кўр тутганини қўймас ва кар эшитганини.
Эрмон ёғочининг эгилгани – сингани, Эр йигитнинг уялгани – ўлгани. [1;10-б.]	
Дала тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан, қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг тошидан. [1;10-б.]	Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам.
Тенг-тенги бирла, тезак қопи бирла. [1;11-б.]	Тенг-тенги билан, тезак қопи билан.

Кўчкор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур, оға бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур. [1;12-б.]	Кўчкор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур, оға бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур.
Эшагининг феъли эгасига маълум [1;41-б.]	Итининг феъли эгасига маълум.
Катта кема қайдин юрса, кичик кема андин юруп[1;46-б.]	Катта арава қайдан юрса, кичик арава шундан юради.

Эътбор берилса, келтирилган мақоллар билан уларнинг ҳозирги кўринишлари ўртасида яқинликлар ниҳоятда кўп. Шунга қарамай, уларнинг орасида айрим тафовутлар ҳам кўзга ташланади. Буларни шундай умумлаштириш мумкин:

1. Айрим мақоллар ҳеч қандай ўзгаришсиз қўлланади.
2. Мақолларнинг бир қисмида фонетик ўзгаришларгина мавжуд, холос (“Тенг-тенги бирла, тезак қопи бирла”). Уларнинг шакл ва мазмунидаги бир хиллик деярли сақланган.
3. Яна бир гурух мақолларда тегишли тафовутлар мавжуд. Уларни шундай гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ кўринади:
 - 3.1. Айрим мақолларда қўлланган сўзлар алмаштирилган (Эшагининг феъли эгасига маълум). Бунда кўпроқ сўзнинг семантик-услубий хусусиятлари эътиборга олинган.
 - 3.2. Мақолларда ихчамлашиш ҳодисаси мавжуд (“Кўр тутганини қўймас ва кар эшитганини қўймас”).
 - 3.3. Айрим мақоллар икки компонентли кўринишдан бир компонентли шаклга келган (“Ошуқғон қиз эрга борса, ёрчимас ва тешик мунчоқ ерда қолмас”). Таъкидлаш лозимки, унда кўпинча икки компонентли мақолнинг алоҳида-алоҳида қўлланадиган иккита мақолга ажралиб кетиш жараёни кузатилади.
 - 3.4. Айрим ҳолларда қўшкомпонентли мақоллардан фақат битасигина (Кўр тутганини қўймас) кейинчалик фаолликни сақлагани ҳолда бошқа бирининг (Кар – эшитганини) умуман, пассивлашуви ҳам кузатилади.

Келтирилган мисоллар ва улар ҳақидаги мулоҳазалар Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарида қўлланган мақолларнинг тадқиқ этилиши катта илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятга молик эканини кўрсатади. Уларни ҳозирги ўзбек тилида сақланиб қолган мавжуд мақоллар билан қиёсий ўрганиш эса бу борада янада жiddийроқ хулосаларга омил бўлишини тасдиқлади. Демак, фокълоршунос олимларимизнинг бу борадаги тадқиқотлари кенгроқ қамров касб этиши ва мунтазам давом этиши мақсадга мувофиқ кўринади.

REFERENCES

1. Gulxaniy. Zarbulmasal. Nashrga tayyorlovchi H.Yoqubov. – Toshkent, “Ma’naviyat”, 2009.

2. Гулханий “Зарбулмасал”ининг изоҳли луғати. Тузувчи Фатҳиддин Исҳоқов. Масъул муҳаррир А.Рустамов. – Тошкент, ТДШУ, 1988.
3. Исҳоқов Ф. Гулханий. – Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. IV том. XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярми. – Тошкент, Фан, 1978.
4. Маънолар махзани. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти, 2018.
5. Рассоқов Ҳ. ва б. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1980 йил.
6. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
7. Kodirova S. A. IDEOLOGICAL AND ARTISTIC FEATURES OF «ZARBULMASAL» //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 10. – C. 318-320.
8. Abdurakhimovna K. S. Idealistic Study of Proverbs //International Journal on Integrated Education. – T. 3. – №. 11. – C. 201-202.
9. Kodirova S. A. IDEALISTIC STUDY OF PROVERBS IN “ZARBULMASAL” OF GULKHANI //Scientific reports of Bukhara State University. – 2021. – T. 5. – №. 1. – C. 170-179.
10. Кодирова С. А. ЖАНРОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ "ЗАРБУЛМАСАЛА" //СОВРЕМЕННАЯ НАУКА: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ. – 2021. – С. 97-99.
11. Abdurakhimovna K. S., Dilchiroy A. ANCIENT PROVERBS. – 2021.
12. YUSUFZODA, Shabnami. "О 'quvchi mantiqiy tafakkurini shakllantirish omillari." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 1.1 (2020).
13. Yusufzoda S. Organization of independent work of students in mathematics //Bridge to science: research works. – 2019. – С. 209-210.
14. Qo'ldoshev, R. A., and Y. Y. Azimov. "Чапақайларни ёзишга ўргатишга доир айrim муроҳазалар." НАЧАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ III-Международная научно-практическая конференция. 2020.
15. Qo'ldoshev, R. A. "THE CONTENT OF PEDAGOGICAL ASSISTANCE IN THE PERIOD OF ADAPTATION OF LEFT-HANDED FIRST-GRADERS TO SCHOOL, ADAPTATION TO SCHOOL AND ITS FEATURES AMONG STUDENTS OF THE FIRST YEAR OF STUDY." *Pedagogik mahorat.-Buxoro* 5 (2020): 132-135.
16. Qo'ldoshev, R. A. "LEFT-HANDEDNESS AND THE REASONS FOR ITS OCCURRENCE." MONOGRAFIA POKONFERENCYJNA SCIENCE, RESEARCH, DEVELOPMENT 32: 2020-31.
17. Qo'ldoshev, R. A. "Cognitive activity of left-handed children.«НАЧАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ» III-Международная научнопрактическая конференция." (2020): 132-136.
18. Rustambek Q. O. L. Birinchi sinf chapaqay o 'quvchilarining maktabga moslashishi, maktabga moslashishi davridagi pedagogik yordamning mazmuni //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.

19. Кулдашев Р. А. ЧАПАҚАЙ ЎҚУВЧИЛАРДА ЁЗУВ ҚУРОЛЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ КҮНИКМАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ: РА Қўлдошев, Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 198-217.
20. Hamroev A. R. Modeling activities of teachers when designing creative activities of students //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2019. – Т. 2019.
21. Kamroev A. STUDENTS'CREATIVE ACTIVITIES IN DESIGNING MOTHER TONGUE EDUCATION //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 7. – С. 285-296.
22. Adizov B. R., Khamroev A. R. Modeling activities of teachers when designing creative activities of students //Ilmiy xabarnoma. – С. 69.
23. Azimov Y. Hamroyev A//Husnixat va uni oqitish usuliyoti (Maruza matnlari). – 2003.
24. Хамраев А. Моделирование деятельности учителя при проектировании творческой деятельности учащихся //Педагогічні інновації: ідеї, реалії, перспективи. – 2018. – №. 2. – С. 23-26.
25. ҲАМРОЕВ А. БОШЛАНГИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ МЕТОДИК МУАММО СИФАТИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 1. – №. 1.
26. Hamroyev A. R. Designing students' creative activity in primary school mother tongue education as a methodological problem //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 11.
27. Hamroyev R. A., Qoldoshev A. R., Hasanova A. M. Methods of teaching 1st grade students to use writing tools effectively //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 168-174.
28. Hamroyev A. Quality and effectiveness for design of learning outcomes in the language teaching //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 549-558.
29. Qo‘ldoshev R. A. LEFT-HANDED CHILDREN AND THE LEARNING PROCESS //EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) Volume. – Т. 5. – С. 277-281.
30. Qo‘ldoshev, R. A., SINF CHAPAQAY O‘QUVCHILARINING MAKTABGA BIRINCHI, and MAKTABGA MOSLASHISHI DAVRIDAGI PEDAGOGIK YORDAMNING MOSLASHISHI. "MAZMUNI//Pedagogik mahorat." (2020).